

# ОИЛА ВА ЖАСМАЙТ

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАРТ

42'92

• УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМФАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• БАҲОСИ 1 СҮМ •

## ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ



ЯНА БАҲОР КЕЛДИ

Суратчи: Х. МАМАТҚУЛОВ

МУБОРАК!

### ТИЛАК

Янги йил — Наврӯз келди! Унга эсон-омон етганимизга шукрлар қиласиз. Етолмаганларни яхшиликлар билан ёдлаймиз. Бу — Ватанимизнинг мустақиллиги билан бир ойда туғилган «Оила ва жамиятнинг ҳам илк баҳори, Наврӯзи!»

Янги йилингиз, Янги куннингиз қутлуг бўлсин, азиз Ватандуш!

Бошингизга тушеб турған бугунги турмуш қийинчиликлари тезроқ бартараб бўлсин. Ҳонадонингиздан тинч-тотувлик, меҳр-муҳаббат, ҳурматиззат, имон-эътиқод ва қут-барака узилмасин. Дўстларингизга куч-кудрат, душманларингизга танри ӯзи инсоф берсин! Беморлар тезроқ шифо топиб, сафардагиларга Ватан жамоли насиб этсин!..

Энг ёруғ тилакларимизни ва байрам совғаси-газетамиzinинг Наврӯзга бағишланган ушбу сочини қабул қилинг.

«НАВРӽУЗ»  
ЖАМФАРМАСИ  
ҲИСОБ РАҶАМИ:

005700007, код —  
172682315, Тошкент шаҳар  
қурниш-саноат банкининг  
мечнат бўлми.

Волюта учун: 70000002, Узбекистон Республикаси  
Ташки фоалият миллӣ банди.

12 (30) «Оила ва жамият»

Тележурналист Дадаҳон Ёқубов «Наврӯз»нинг қандай ўтиши ҳақида мухбиримизнинг бир неча саволига жавоб берди.

— Дадаҳон ака, телемарафоннинг ўтказилиш вақти ҳақида мухлисларга ахборот берсангиз.

— Телемарафонимиз 21 март куни эрталаб соат 9.00 да бошлиб, 22 март эрталаб соат 10.00 да тугайди. 25 соат узлуксиз кўрсатув олиб борамиз.

## ТЎХТОВСИЗ ЧОРЛАЁТГАН ҚЎНҒИРОҚ

— Суҳбатларнинг бирида «Наврӯз» телемарафони бу йил ҳам инсонийлик қўнғироғи бўлиб бонг уради, дегандингиз. Ҳўш, унга тайёргарлик қандай? Чарчамаясизларми?

— Одамларга яхшилик қилаётганингни ва уларнинг кўзида ўзинга нисбатан миннатдорчилик маъносини уқиб оларкансан, чарчашга ҳаққинг йўқ эканлигини англайсан, киши.

Ҳа, бу гапни айтгандим ва яна тақрор айтаман: «Наврӯз» телемарафони бу йил ҳам инсонийлик қўнғироғи бўлиб жаранглайди. Бу жаранглаш, худо хоҳласа, ҳеч қачон тўхтамайди.

«Наврӯз»га тайёргарлик... эрта-ю кеч тиним йўқ. Шахсан ўзим бу ишлардан бир олам завқ олаляпман. «Наврӯз тақдирлари» номи билан ўша куни телемарафонда анчагина кўрсатув берамиз. Биз унда ўтган йили, ҳатто етти йил аввал бориб кўрган хонадонларимиз билан хабарлашдик. Ҳол-аҳвол сўрадик. Биз экиб келган кўчатлар каттакатта дарахт, ўша мурғак болалар эса йигит бўлиб етишибди. Эҳ, қувончни кўрсангиз. Лекин ҳаммасини ҳам қувончи деб бўлмайди, Ойбек исмли бола кўпчиликнинг ёдиди бўлса керак. Афсус, у оламдан ўтиби. Фотиҳага бордик... Бундай меҳр-шавқатга, саҳоватга бағишланган тадбиrimиз 7—8 йил аввал бошланганида эди, биз Ойбекнинг кўплаб тақдирдошларига кўмак берган бўлармидик...

Таъбир жоиз бўлса, айтишим керакки, кўпчилик мустақилликимизни яхши тушунмаяпти. Телемарафонимиз асосий мақсадларидан яна бири ғофил бандаларни мустақилликка чиқиши чорлаш. Фақат бу чорлов ақл ва маданият, тинч йўл билан мустақилликка даъват этади.

Телемарафонда яна қандай кўрсатувлар намойиш қилинади, деган савол туғилиши табиий. Асло ташвиш чекманг, мухбиримиз Ўзбекистон ойнаи жаҳони бош директори Баҳодир Мұхамедов билан учрашиб, сизни қизиқтирган саволга жавоб топиб келди.

— Баҳодир ака, ўтган йилги «Наврӯз» телемарафонидан бу йилгисининг қандай фарқларни бор!

— Биринчи янгилик, — бу йил наврӯз вилоятларда қандай ўтэгтанилиги ҳақида вожийдан (Андижон — Фарғона — Наманган), Нукусдан, Урганчдан бевосита тўғридан-тўғри мулоқотлар олиб

борилади.

Шунингдек, Навоий номли миллӣ боғдаги «Халиқ сайли» ҳам бевосита олиб кўрсатилиди. Сайл дастури жуда ажойиб. Халиқлар дўстлиги саройидан ҳам хайрия концертини тўғридан-тўғри эфирга узатамиш. Бевосита узатиш миллий ойнаи жаҳонимизда энди ургфа киряпти.

— Телетомошабинларга маълум ва машҳур кўрсатувларнинг қайси бири ўша куни намойини қилинади?

— «Олтин бешик» кўрсатувини айтиш мумкин. Эшқобил Шукур кўрсатувининг бу сонини Самарқанд вилоятни бўйича тайёрлаяпти. Бундан ташқари, «Оталар сўзи ақлнинг кўзи» кўрсатуви ҳам меҳр-окибатга бағишланган.

— Қўшиқ ва мусиқалар қайтарзда берилади!

— Энг танилини санъаткорларни таклиф қилганимиз. Дарвоке, қўшиқчиликни

## Етти кун

### ТУҒИЛИШ КАМАЙМОҚДА

Россия давлатида ўтган йилнинг ноябр-декабр ой-парида, урушдан кейин биринчи марта, түғилганлардан (ойига 265 минг) ўлганлар сони (ойига 281 минг) кўпроқ эканлигини қайд этildi.

Ўзбекистонда ҳам түғилиш олдинги йиллардагига нисбатан камаймоқда, ўлим эса ортмонда.

### ИСЛОМ УСМОНОВНИ ТИНЧ ҚҮЙИНГ!

У киши «Туркистон» газетасида саудиялик бир корчалонинг «Агар ҳукумат рухсат берса, ўзбекистонлик камбағаллардан 100 кишини ватанинда 300 долларлик ойлини билан ишга жойлашман» деган гапини ёълон қилган эди. Мана қарийб бир яirim ойдан бўён ҳузур-ҳаловат иммалигини билмайди. Ишхонада куни қўнғироқларга жавоб қайтарни билан ўтади. Ўйн эса ҳамал ҳолатида.

Инсоф қилинг, бу аҳволда ҳаммасимиз тез орада кўчага ҳайдалиб, ўз ватанида 300 сўмлик иш ахтариб қолади.

### ИУЛДАГИ ФОЖИА

Собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг собиқ биринчи котиби, яқиндагина қамоқдан чиқсан Иномжон Усмонхўஜевнинг бошига куттимаган кулфат тушди. Умр йўлдош! Элнурин Собирова автомобиль ҳалотида фожиали ҳалок бўлди. Айтишларга, машинада бўлган яна бир киши ҳаётда кўз юмган.

### ВАРРАКЧИ БОЛАЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси ва жумхорият єшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитаси Сизларни 21 март — Наврӯз куни ҳалиқлар дўстлиги саройи ёнидаги Абулқосим мадрасаси майдонида ўтказилажак Варрак саилинга таклиф этади. Энг зўр варракчиларни қимматбахо соринлар кутмоқда.

Варракчилар мусобақасида қатнашмоқчи бўлганлар қўйидаги рақамга сим қошиб, рўйхатдан ўтиб қўйсин: 33-38-63.

хос яна бир гап. «Шарқ дурдонаси» туркумида ағон қўшиқчилиси Вожид Кодирий ҳақида кўрсатув қўйилади.

«Олдуз» фирмаси бигза тақдим қиласидан «Наврӯз ҳангомаларига мусиқий дам олиши кўрсатувида Республика музикандинга таникли қизиқчилири «ичак ўзди» аския, кулгилари билан кўпчиликни хушнуд этишиади.

— Ҳозир Рамазон ойнеканини унутмагандирисизлар!

— Албатта, унуганимиз йўқ. Уша куни соат нечада оғиз очиладиган бўлса, ўша пайтда ифторлик олиб кўрсатилиди. Бундан ташқари, «Муҳаммад пайғамбар ҳақида кисса-рисола» фильмни са-

ҳарлик вақтигача кўрсатилади. Уч соатлик бу фильм хорижда ишланган. Уни «Мовароонхар» диний идорасидан мамнуният билан қабул қилдик. Албатта, у кўпчиликка ёқса керак.



— Яна қандай фильмлар кўрсатасизлар!

— Тунги соатларда Хиндиистонда ишланган «Мехрибонлик» кинофильмини дастурга киритганимиз. Қисқаси, бу мафона доҳарнида ҳар бир киши ўз дидига мос кўрсатувларни куриши мумкин.

— Айтимоқчи, бу йил телемарафонни кимлар олиб боради?

— Дадаҳон Ёқубов, Эшқобил Шукур, Муҳаммад Обидов ва Ўзбекистон ойнаи жаҳони сухандонлари олиб борадилар.

T.T.T.



## ҚОНУНЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Қадимда бир доно шоҳ фуқаролари учун қонунлар тузишга аҳд қилибди ва минг қабиладан минг донишмандни ҳузурига чорлабди. Ҳамма иш шоҳ айтгандек бўлибди-ю, фақат...

Териларгэ битилган мингта мажмуя келтирилганда, мамлакатида шунча қонунга арзигуллик жиноятлар борлигидан беҳебар шоҳ қаттиқ ўкинибди. Шунда у мирзабошини чақириб, заҳархандалик билан ўз қонунларини ёздирибди. Улар еттига экан.

Багоят дарғазаб бўлган донишмандлар қонунларини қўлтиқлаб ортларига қайтибдилар ва ҳар бир қабила ўз қонунларига таяниб иш кўшлади.

Шу сабабли у ерда ҳозиргача мингта қонум мавжуд.

У буюк мамлакат, аммо у мулкда мингта қонунни бузган эркагу аёллар минглаб қамоҳоналарни тўлдириб ўтирадилар.

У ҳақиқатнама ҳам буюк мамлакат, бироқ у ерда мингта қонунчи-ю, атига битта доно шоҳ авлодлари кун кечирадилар.

## ЛИБОС

Бир куни Гўзаллик билан Нодонлик денгиз соҳилида учрашиб қолишибди ва бирга чўмилмоқчи бўлишибди. Иккиси ҳам либосларини ачиб, ўзларини тўлқинлар ихтиёрига топширибдилар. Кўп ўтмай Нодонлик соҳига чиқибди ва Гўзалликнинг кийим-бошини кийиб, йўлга равона бўлибди. Сунг Гўзаллик сувдан чиқибди, аммо кийимларини топа олмабди. Ялангоч кетишига уялиб, Нодонликнинг либосларига ўринибди-ю, йўлида давом этибди.

Шундан бери эркагу аёллар бу иккисини аддашиб юрадилар.

# «МЕН СЕВАМАН!»

## Жаброн Ҳалил ЖАБРОН

Жаброн Ливаннинг Бишар шахрида туғилиб, вояга етган бўлса-да, умрининг асосий қисмини Амриқода ўтказди, араб, инглиз тилларида ижод қилди. «Пайғамбар», «Бўронлар», «Севги ҳаёт»

каби ўнлаб китоблар муаллифи.

Хозир Жаброн Ҳалил Жаброн асарлари бутун дунёда катта қизикиш билан ўқилмоқда. Эътиборингизга унинг ибраторумуз ҳикояларидан айримларини ҳавола этмоқдамиз.

Тўғри, шундайлар борки, Гўзаллик қайси кийимда бўлмасин, барibir топиб олишибди. Яна шундайлар ҳам борки, Нодонликнинг бир кўриша танийдилар ва ҳеч қандай либос уни кўздан яшира олмайди.

## ИККИ ҚАФАС

Отамнинг боғида иккита қафас турарди. Бирда отамнинг бўйруғи билан күллар Ниновия харобаларидан тутуб келган шер, иккичинида сайраши ўрганиб олган қарға сақланарди. У қарға тонгда шерга қарба қичқириларди:

— Яхши ётиб турдингизми, қисматдош дўстим!

## МАЙСА ВА СОЯ

Саратоннинг жазира маунларидан бирда майса сояга дебди:

— Эй, такасалтанг, намуна жигимга тегиб тебранганинг тебрангани? Мундоғ бир ўй-хаёл сургани кўяссанми-йўкми?

— Нима деяпсиз, бу мен змас, — жавоб бериди соя.—

Умуман мен змас! Осмонга бир қаранг-а! Кўйка бўй ҷузиб, Магрибу Машриқа бирдай салом берётган дарахт-ку?!

Майса осмонга тикилибди ва умрида биринчи бор дарахти кўриди. Сунг ўзича ўйлабди: «Қизиқ, мендан ҳам баландроқ майса бор экан-да!»

## МУҲАББАТ ВА НАФРАТ

— Мен сени севаман, — деди аёл эркакка. Эркак жавоб берди:

— Демак, менинг қалбимда севингга арзигуллик нимадир бор экан.

— Сенчи, сен мени севмайсанми? — сўради аёл.

Эркак диккат билан унга тикилди ва ҳеч нарса демади.

Шунда аёл қичқириди:

— Сендан нафратланаман!

Эркак яна жавоб бериди:

— Демак, менинг қалбимда нафротингга сабаб бўлгучи нарса ҳам бор экан-да.

Мутаржим: Азиз АБДУВАЛИ

Бош муҳаррир:  
Қулман ОЧИЛ

ТАҲРИР  
ҲАЙЪАТИ:  
Жуманазар  
БЕКНАЗАР  
Дадаҳон  
ЁҚУБОВ  
Мұхаббат  
ИБОДОВА  
Абдуҳошим  
ИРИСОЙ  
[бош муҳаррир  
ўринбосари]  
Тўлқин ҲАЙИТ  
[масъул котиб]

ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ:

Кувондик  
БЕРДИЕРОВ  
Мейли  
ИҮЛДОШЕВ  
Рўзимат  
САФОЕВ  
Абсалом  
УСАНОВ  
Баходир  
ЭШОНХОНОВ  
Ўрол  
ЎЗБЕК

Таҳририят  
келган хатларга  
ёзма жавоб  
қайтармайди.  
Шунингдек,  
фуқаролар  
билин  
ташиклилар  
ўртасида  
воситачилик  
ҳам қилмайди.

Газетамиз  
ҳомийлари —  
Галлаорол  
туманидаги  
«Галлаорол»,  
Муборок  
туманидаги  
Хитой давлат  
хўжалиги,  
Намангандаги  
«Тўқимачи»  
маданият  
сарайи.

МАНЗИЛИМИЗ:  
700029,  
Тошкент — 29  
Намойишлар  
хизбони,  
1-бино.  
Телефон:  
39-43-95  
Индекс:  
64654  
Буюртма 42

Ўзбекистон  
Республикаси  
«ШАРҚ»  
нашиёт-  
матбааочилик  
концерни  
Тошкент шаҳри

# КАХ-КАХА ОOOО ЖИРИН-ЖИРИН



## ФАЛСАФАИ КАЛОН

Хону беклар мани танимайни — баҳтим, ман аларни танимайни — баддахтлигим.

\* \* \*

Биз ўлибмизму, ки пошшо ни сўқмоқдин олдин пошшо ила келишиб олғоннинг билмасак?

\* \* \*

Тангри тилсимотининг ғаройиблиги кўпчилик ақлдорни кал килиб яратгонида эмас, барча калга хам акл беравермағонида кўринур.

\* \* \*

Азбаройи тирикчилик деб майли ўзингни ўзбак кўрсаттил, ва яна ўзбакнинг кумочин ямлати, ва яна ўзбакни ичиндан қарғаги, фақат бир ўтич борким — ўзбакнинг номидин сўйлами.

\* \* \*

Бир пўрим афанди йўлимдин колдириб савол ташлади: «Миллатингга ялон гапиронмисан?» «Билмадим», дедим. «Ажаб, унда қайси гунохингга тавба килғони масчигта қатнайдурсан», деб елка қисди ул.

\* \* \*

# ОЖИЗАЛАРГА НАСИХАТ

Эй хотун! Қассобга әрга тегма. Босинираб қолгонда тамогингни сийналаш «Оллоху акбар!» деб кўркинадару.

\* \* \*

Эй хотун! Эринг ярим тунда маст келгонида яхши гапир, аччиқ чой дамла. Ичмай келгонида хам яхши гапир, вали чойни ўзи дамлаб олсун.

\* \* \*

Эй хотун! Тушингда арқонга тирманшиб тоққа чиқмоқдин тийида. Магар чиқсанг хам, ёнингда тинчгина ухлайтүргон ёрингнинг сақолига осилма.

\* \* \*

Эй хотун! Эрингнинг кийимларини куида ювғил, тоқи ҳар куни бемалол чўнтақ кавлаорсан.

# ГЎЛМАТДОМА



Ичи тўқилғон тарвузингни кўп мактама. Ундан кўра, Ҳудойим яратон тарвуга тан бергилким, устида сану ман от чоптириб юрибмиз.

\* \* \*

Бир доно деди: «Камбагални урма-ю, тўнини ўйрт». Ман доно кўшдим: «Бойни ўлдирма-ю, душманига амал бер».

\* \* \*

Саводинг чала әрқанин бу кумуш таебех узок яширолмас.

Дардингни олай, десам дўст ўшириб берди: «Зўрга топгонимга кўз олайтма, мандаги — ишк дардидур».

\* \* \*

Эшим саводгар Петирбурургдан гап толиб келмиш: «Отии сўйғоқ биз ташлаб юборадурғон кисмлари ул тарафда кўлма-кўл бўлиб, номи калбаса эркан».

\* \* \*

Пошшо фармон килибдур: «Манга айтмай ўйирлағоннинг боши кеёнладур!»



Эй хотун! Эринг маош ила келса сандикни оч, газаб ила келса сандикка коч.

\* \* \*

Эй доно хотун! Илойим, саломат бўлгайсан! Саломат юрмоқ истасанг, ёрингнинг милтигигау қайнанангнинг китигига тегмагайсан.

# БАЙЛАР

Тулки эсанг шерман дема, шерман десанг товуқ ема.

\* \* \*

Сотқин бўлғонга яраша пошшонинг ўзига сотилгил. Яна шундоқ сотилгилким, қўшни пошшодин қарз сўратгил. Андоғ қарз сўратгилким, қимматинг бошингни қўриқлайдурғон бўлсун. Бошингни андоғ қўриқласинларким, аввало ўз болангнинг қўли етмасун.

\* \* \*

У бетингга урғоннинг бу бетини пачоқла.

\* \* \*

Қонхўрга кўз ёшлагон — қудукка қармоқ ташлағон.

\* \* \*

Бақаларга жўр бўлиб куйлағондин ҳофиз чиқмас.

\* \* \*

Савобнинг текинин қидирадур, гуноҳни пулга оладур.

\* \* \*

Яхши бўри бир қўйни ила икки бор учрашиб ўтиргмагай.

\* \* \*

«Э, аҳмоқ, калланг жойидами ўзи?» деб сўрасам, ул аҳмоқ калласини ушлаб кўриб «ҳа», деди.

# БАЙЛАР

Кетса хотиним, бу рўзиғорим нима бўлғай, Эчким, товуғим — маккага зорим нима бўлғай?

Етар эмди, бўлиб ботир битай недин дилим доғлиқ, Ерга нола қилиб ётмоқ — хотинбозлик ва қўрқоқлик.

Итни итга тишлатиб вақти чоғдир итбоқар, Бўлди мажруҳ иккни ит, ўзи соғдир итбоқар.

Тунда майхона ёнида недур турғон қўнқайиб? Ётур кўрсам Нор қиморбоз замбаракдек дўнқайиб...

АНВАР ОБИДЖОН